

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Special Issue | pp. 78-85 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ВА МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИНИ ТАМИНЛАШ



Мамаюсупова Шоҳина Улутбек қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Молия ва бухгалтерия ҳисоби факултети 3-босқич талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада ривожланган демократик давлатларда парламент назоратининг қуидаги 3 та асосий жиҳатига эътибор қаратилади. Булар: давлат бюджетини шакллантириш, шунингдек уни қабул қилиш жараёнида парламент иштироки; давлат бюджет маблағларининг сарфланиши устидан парламент назоратининг аҳамиятлилиги ва иқтисодий – ижтимоий ривожланиш дастурлари, жумладан Ўзбекистон Республикасида бюджет маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланишини таминлаш тамойиллари келтирилган. Бундан ташқари ривожланган давлар миқёсида ко'плаб статистик ма'lумотлар йиллар кесимида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Глобаллашув, бюджет маблаглари, парламент, назорат, ишлаб чиқариш, қонунчилик, депутатлар, молиявий ҳавфсизлик, харажат ва даромадлар.

Кириш:

Парламентнинг фаолиятида қонунчилик функцияси қанчалик муҳим ўрин тутадиган бо'лса, назорат-таҳлил функцияси ҳам шунчалик муҳимро'л ўйнайди. Парламент назоратининг асосий мақсади давлат бошқарувида ошкоралик ҳамда қонун устуворлигига риоя қилишни таъминлашдан иборат ҳисобланади.

Бугунги глобаллашув даврида, амонавий Парламент қонун қабул қилиш ё'ли билан ижро ҳокимияти ҳокимияти фаолиятини чеклаб турди, мамлакатда конститусия нормаларининг сўзсиз бажарилишини таъминлайди, ва хукумат сиёсатини мамлакат равнақи ҳамда аҳоли фаровонлигини ошишига қаратилганлигига ёналтиради, шунингдек уларни бажарилиши устидан қаттиқ назорат қиласи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2015-йил 23-январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzасида «Депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини тубдан яхшилаш принсплари, палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усуllibарини оммага татбиқ қилиш, шу жумладан, давлат бюджетини шакллантириш ва Ўзбекистон Республикасининг ушбу муҳим иқтисодий ҳужжати ижросини назорат қилишнинг замонавий усуllibарини жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади дея такидлаган.[1]

Мамлакат бюджетини шакллантириш ҳамда уни қабул қилиш жараёнида парламентнинг иштироки муҳим ҳисобланади. Давлат бюджети шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида Парламент иштироки асосан З та босқичдан иборат ҳисобланади.

1-босқич: Мамлакатнинг давлат бюджети лойиҳасини парламентта киритиш. Бугунги глобал даврда ривожланган демократик давлатларда ҳукумат яни молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини одатда қўйидаги омиллар ва таснифлар бўйича тайёрлайди:

- Функционал тасниф – давлат асосий функсияларини, жумладан бошқарув, мудофаа, таълим, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш каби бажариш бўйича;
- Иқтисодий тасниф – ушбу жараёнда иш ҳақи, пенсиялар, капитал харажатлар ҳамда жорий тўловлар бўйича амалга оширилади;
- Идоравий тасниф – бюджет олувчилари бўйича (вазирликлар, идоралар, ташкилотлар);
- Регионал тасниф – худудлар бўйича;
- Дастурий тасниф – давлат ривожлантириш дастурлари бўйича.[2]

Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари юқорида келтирилган таснифлар асосида киритилиши шарт бўлган материаллар сафига бюджетнома бюджет ёки солиқ-бюджет сиёсатининг ёналишлари ва прогнози ва мамлакат иқтисодиёти прогнози ҳамда бюджет параметрларининг олдинги йилги параметрлари билан қиёсий таҳлиллари киради. Ушбу ҳужжатлар асосида мамалакат молия ва бюджет соҳасини тизимли прогнозларга таянган ҳолда амалга ошириш мумкин ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи:

Америка Қўшма Штатлари конгрессига киритилган бюджет лойиҳаси қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Бюджет қўмитаси ва президент томонидан таклиф қилинаётган лойиҳалари бо'йича қиёсий таҳлили (бюджет даромадлари, харажатлари, янти харажат моддалари, қарзлар ва бошқа мажбуриятлар);
- Бюджетнинг янги харажатлари моддалари таҳлили;
- Амалдаги молиявий дастурлар таҳлили;
- Федерал даромадлар ва штатлар даромадлари нисбатлари;
- Иқтисодий прогнозлар ва бюджет харажатларининг уларга мослиги таҳлили;
- Бюджет ривожланишининг келгуси 5 йилга прогнози;
- Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органларига бериладиган молиявий ёрдамдаги сезиларли ўзгаришлар асослари.

Инглиз иқтисодчиси Ҳарвей Росеннинг фикрича, жамоат мулки икки хусусиятга эга. Биринчидан, бир марта тақдим этиладиган, бошқа шахс истеъмол қўшимча харажатлар товар нолга teng - истеъмол рақобатдош эмас. Иккинчидан, ҳеч кимнинг яхшиликни истеъмол қилишига ёъл қўймаслик жуда муҳимдир қиммат ёки имконсиз - истеъмолни истисно қилиб бўлмайди. Жамоат фаровонлигининг классик намунаси миллий мудофаадир. Бир шахснинг армия

томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиши бошқа одамнинг истеъмолини камайтириш учун ҳеч нарса қилмайди. Бундан ташқари, ҳар қандай шахс бундан мустасно. Миллий мудофаа фойдасидан олиш мумкин эмас. Бундан фарқли ўлароқ, шахсий товар (масалан, озиқ-овқат) ҳам рақибдир, ҳам истисно қилиниши мумкин дея та'кидлайди.[3]

Янги иқтисодиётни белгилайдиган умумий таъриф Давиес ва бошқалар томонидан берилган. Ушбу таърифда Янги Иқтисодиёт АҚШнинг сўнгти йиллардаги фавқулодда иқтисодий кўрсаткичлари натижасида юзага келган янги парадигма сифатида ифодаланади ва технологик ўзгаришлар, глобаллашув, маҳсулот ва меҳнат бозорларида таркибий ўзгаришлар ушбу ривожланаётган парадигманинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида кўриб чиқилади. Аткинсон ва Кортга кўра, Янги Иқтисодиёт сўнгти 15 йил ичida АҚШ иқтисодиётининг тузилиши, функциялари ва қоидаларини ўзгартирган бир қатор сифат ва миқдорий ўзгаришлар билан боғлиқ ва бу ўзгариш ва иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари инноватсиондир. ғоялар ва технологик тараққиёт. Гордон 90-йилларнинг ўрталарида компьютер техникаси, дастурий таъминоти ва телефон хизматлари нархларининг пасайиши, компьютер маълумотларини қайта ишлаш ва алоқа сиғимининг ошиши ва Интернетнинг жадал ривожланишига нисбатан "Янги иқтисодиёт" контсептсиясидан фойдаланади.[4]

Молия ҳамда бюджет соҳасини профессорлар Т.С.Маликов ва Н.Х.Ҳайдаровлар қуйидагича таърифлаганлар: „Бюджет тизими бу турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари оловчилар йифиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш тамойилларини ифодалайдиган, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари оловчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар мажмуидир. Кўпчилик ҳолларда, соддароқ тарзда, бюджет тизими дейилганда, мамлакатдаги мавжуд бюджетлар тўплами (мажмуи) тушунилади”[5]


Иномжон Тураевич Жуманиязовнинг фикрича, 2018-2019 йиллар давомида мамлакатда солиқ ислохотлари амалга оширилиб, иқтисодиётта солиқ юки камайтиришга эришилди, шунингдек солиқ турлари мақбуллаштирилиб, қўшилган қиймат солиқ тўловчилар сонини ошириш ҳисобига қўшимча қиймат солиғи занжирини ҳосил қилишга эришилди. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқларни ортиқча ундирганилик учун давлат солиқ хизмати органларининг жавобгарлиги кучайтирилди, замонавий усулларни қўллаган ҳолда хорижий амалиётда синалган солиқ назорати шакллари жорий этилди, шунингдек, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари соддалаштирилди.[6]

Таҳлил ва натижалар:

Давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилиш маъсуллар томонидан амалга оширилади. Ривожланган демократик давлатларда бюджет лойиҳаси ҳукumat ёки парламент томонидан матбуотда эълон қилиниши та'минланади. Парламентдаги муҳокамалар телевидениеда ёки бошқа ОАВларида кенг ёритилади.

Малумотларга кўра, Сингапурда молия вазирлиги томонидан бюджет лойиҳаси 2 ой мобайнида кенг жамоатчилик ҳамда мутахассислар муҳокамасига қўйилади, со'нgra парламентга киритилади.

АҚШнинг расмий маълумотларига кўра, Америка Қо’шма Штатларида Оқ уй ва Конгресс томонидан 2016-йил учун бюджет лойиҳаси 2015-йил феврал ойида кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасига қўйилди (2015 йил 1 октябргача қабул қилиниши керак). Давлатлар миқёсида 39 та давлат ўртасида ўтказган сўров (12-диаграмма) шуни кўрсатмоқдаки, улардан қўпчилигида (23 таси ёки сўровда қатнашганларнинг 59%и) давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилиш муддати 2 ойдан 4 ойгачани ташкил қиласар экан. Бундан ташқари, 10 та давлатда муҳокама муддати 2 ойгача, 5 та давлатда - 4 ойдан 6 ойгача ва битта давлатда 6 ойдан қўпроқ муддатни ташкил қиласар дея такидланган. [6]



1-Расм:Давлат бюджети параметрлари сони

Давлат бюджети лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати бу унинг парламентга киритиладиган моддалари (параметрлари) сонидир. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Таракқиёт Ташкилоти (ИХТТ) маълумотла рига кўра, бюджет параметрлари сони турили давлатларда турлича бўлиб, улар 200 тадан (Австралия, Канада, Франция ва бошқалар) тор тиб 2000 тагачани (Германия, Испания, Туркия) ташкил қиласар. ИХТТ бюджет сиёсатининг асосий мақсади ва ё’налишларини асослаш учун бюджет лойиҳаси моддалари сони 1000 та атрофида бўлиши мақсадга мувоғик деб холоса беради.[7]

Европа:		- 2020,		- 2030,		- 2025,		- 2030;
Осюё:		- 2030,		- 2020,		- 2030,		- 2030;
МДХ:		- 2020,		- 2050;				
Америка ва Африка:		- 2030,		- 2020,		- 2030.		

2-Расм: Иқтисодий – ижтимоий ривожланиш дастурлари ва Парламент назорати.

Ривожланган ва иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарият қисмида иқтисодий-ижтимоий ривожланиш Стратегиялари қабул қилинган.[8]

Европада ҳар бир давлатда Стратегиянинг узоқ мақсадли кўрсаткичлари белгиланган. Унинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борилади ва Ҳукумат ҳисоботи тингланади, ОАВда кенг ёритилади. Малайзияда маҳсус Иқтисодий Режалаштириш Қўмитаси тузилган ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқади ва бажарилиши устидан доимий назорат олиб боради. Япония, Корея ва бошқа кўплаб давлатларда ривожланиш Стратегияси доирасида ўрта муддатли (Бийиллик) ривожлантириш дастурлари қабул қилинган ва бажарилиши доимий мониторинг қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарори билан туризм ҳамда савдо хизматлари қамровини кенгайтириш, туризм хизматларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни ва йўл бўйидаги объекларда аукцион савдолари орқали савдо объектларни ташкил этиш бўйича чораларни кўрилиши ҳисобига туризм хизматлари экспорти 2023 йил якуни билан илк маротаба 2 млрд АҚШ доллардан ошиши ҳамда савдо хизматларининг 10,5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Маълумот учун: 2023 йилнинг 9 ойида туризм хизматлари экспорти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ошиб, унинг ҳажми 1,6 млрд АҚШ долларни ҳамда ушбу даврда савдо хизматларининг ўсиши суръати 9 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, 2023 йил якунига қадар, i) ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда 10 мингта ii) маҳсус хизмат кўрсатиш кўчаларига айлантириладиган марказий кўчаларда 665 та, iii) "Янги Ўзбекистон" масивларида ва халқаро автомобиль йўллари бўйида 950 та савдо ва сервис объектларни ташкил этиш чоралари кўрилади.

2024-2026 йилларга мўлжалланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози “Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида белгиланган вазифа ва мақсадлардан келиб чиқилган бўлиб, бунда: 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар

ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард АҚШ долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш; келгуси 7 йилда асосий капиталга 250 млрд АҚШ доллардан ортиқ инвестицияларни ўзлаштириш ва унда 110 млрд АҚШ доллардан ортиқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш, 2030 йилга бориб йиллик экспорт ҳажмини эса 45 млрд АҚШ долларга етказиш; Давлат қарзини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 50 фоиздан оширмаслик вазифасини таъминлаш; Шу билан бирга, ҳалқаро молия ташкилотлар томонидан ўрта муддатли истиқболда ташқи чеклов ва хатарларнинг сақланиб қолиши қутилмоқда. Ҳусусан: асосий ҳамкор мамлакатлар иқтисодий ўсишининг секинлашиш натижасида ташқи талабнинг қисқариши; асосий экспорт товарлар нархининг юқори ўзгарувчанлитининг сақланиб қолиши; йирик мамлакатлар марказий банклари томонидан фоиз ставкаларнинг ошириши натижасида ҳалқаро молия бозорида қарз маблағларнинг қимматлашувининг давом этиши; глобал геосиёсий вазиятнинг мураккаблашиши шароитида ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ривожланиш трендидаги юқори ноаниқликларнинг сақланиб қолиши ва бошқалар. Шундан келиб чиқиб, иқтисодий ўзиш суръатларини 2024 йилда 5,6-5,8 фоиз, 2025 йилда 6,2 фоиз ва 2026 йилда 6,4 фоиз даражасида таъминлаш орқали аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 2024 йилда 2 698 АҚШ доллардан 2026 йилга бориб 3 055 АҚШ долларга етказиш прогноз қилинмоқда. Бунда, 2024 йилда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6 фоизга, қурилиш ишлари – 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги – 4 фоизга ва бозор хизматлари – 14,9 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Шу билан бирга, макроиқтисодий ва фискал буферлар барқарорлигини таъминлаш учун 2024 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 6,1 фоизга (411,5 трлн сўм), тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни 36 фоизга (6,8 млрд долл) ва олтинсиз экспорт ҳажмини 15 фоизга оширишни талаб этади.[9]

Ҳар бир вилоят бюджетининг ёки туман бюджетининг ҳам даромадлари миқдори харажатлари миқдорига teng бўлиши лозим. Агар харажатларни қоплашга етарли даромадлар бўлмаса, вилоят бюджетига республика бюджетидан, туман бюджетига эса ўзи бўйсунувчи вилоятнинг бюджетидан турли хил молиявий ёрдамлар(бюджет трансфертлари) ҳисобига даромадлар харажатларни қоплашга етарли миқдорда шакллантирилади, яъни баланслаштирилади. Бюджет жараёнида туман бюджетлари фақат ўzlари бўйсунувчи вилоят бюджети билан, вилоятлар бюджетлари эса республика бюджети билан ўзаро боғлиқлиқда бўлади.

	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил
Ялпинички маҳсулот, млрд сўм	888 342	1 061 184	1 301 759	1 540 547	1 725 969
Ялпинички маҳсулот ўсиши суръати, фоизда	5,7	5,6-5,8	5,6-5,8	6,2	6,4
Аҳоли жон бошига ялпинички маҳсулот хажми, АҚШ доллари.	2 254	2 449	2 698	2 950	3 055
Саноат, млрд сум	551 051	647 932	782 710	972 107	1 174 017
ўсиши суръати, фоизда	5,2	5,5-6	6,0	7,6	7,5
Курилиш, млрд сўм	130 767	157 493	188 342	223 506	261 236
ўсиши суръати, фоизда	6,6	6,0	6,3	7,2	7,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари, млрд сўм	364 523	428 289	488 397	547 251	611 166
ўсиши суръати, фоизда	3,6	3,7	4,0	4,1	4,1
Бозор хизматлари, млрд сўм	357 555	450 437	580 532	711 011	896 775
ўсиши суръати, фоизда	15,9	13,0	14,9	14,0	14,9

3-Расм: Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозлари

Хулоса ва таклифлар:

Хулоса о’рнида шуни таъкидлаш жоизки, молиявий тизими заиф ривожланаётган мамлакатларнинг трансформатсиядан фойда олиш қобилияти бир қатор чора-тадбирлар ва тадқиқотларни талаб қиласди. Шу нуқтаи назардан, алоқа инфратузилмасини такомиллаштириш, рискларни бошқаришни институтсионаллаштириш ва рақобат сиёсатини аниқ тақдим этиш ривожланаётган мамлакатларнинг заиф молиявий бозор тузилмаларини мустаҳкамлайди ва молия бозорларини янада самарали қиласди дея таъкидланади. Парламент томонидан иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурлари бажарилиши, шунингдек давлат бюджети харажатларининг сарфланиши устидан самарали назорат олиб борилиши учун Парламентга тақдим этилаётган статистик маълумотларнинг холислигини ва ишончлилигини таъминлаш жуда муҳимdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2015-йил 23-январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси
2. Молия: Дарслик. Т.С. Маликов, О.О. Олимжонов; / - Т.: “Иқтисод-Молия” 2019.- 800 б
3. Розен, X.C. (2004). Давлат молияси. Ин: Роулей, С.К., Счнейдер, Ф. (тахрирлар) Тхе Энсайслопедиа оф Публис Чойсе. Спрингер, Бостон, МА. [хттп://doi.org/10.1007/978-0-306-47828-4_21](https://doi.org/10.1007/978-0-306-47828-4_21)

4. Содикова Нигора То'раевна „Янги иқтисодиёт ва унинг молия бозорларига таъсири” 2024
5. „ Янги иқтисодиёт ва унинг молия бозорларига таъсири” Содикова Нигора То'раевна 2024й
6. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни: ўқув қўлланма О. Файбуллаев, У. Ўроқов. - Тошкент: Бактрия пресс, 2015- 168 б
7. Н.Хайдаров. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик муносабатларини такомиллаштириш масалалари. 2003
8. У.Ўроқов, И.Иргашев, О.Файбуллаев. Фуқаролар иштирокидаги маҳаллий бюджет. Бактрия пресс, 2022
9. Бюджетнома 2022-2026 йиллар кесимида
10. Стат.уз

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

